

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**171 Республикада сотиладиган маиший электр приборларини, янгидан қуриладиган бинолар ва иншоотларни энергетика жиҳатидан мажбурий маркировкалаш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 22 январдаги 8-сон қарорига мувофиқ ҳамда четдан олиб кириладиган ва сотиладиган маиший электр приборларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида янгидан қуриладиган бинолар ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2016 йил 1 январдан бошлаб:

а) техник ҳужжатларида, маркировкасида ва этикеткаларида энергия самарадорлигининг тегишли классификация тўғрисидаги ахборотларнинг мажбурий мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб иловага\* мувофиқ рўйхат бўйича четдан олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган маиший электр приборларига татбиқ этилади;

б) маиший электр приборларининг энергия самарадорлиги классларини аниқлаш учун «А», «В», «С», «D», «E», «F», «G» белгилари жорий этилади. Бунда:

«А» классификация энергия самарадорлиги энг юқори бўлган маиший электр приборларини белгилаш учун ва тегишли равишда «G» классификация — (тавсифларини ҳисобга олган ҳолда) бир тоифага киритилган маиший электр приборлари жумласидаги энергия самарадорлиги энг кам бўлган маиший электр приборларини белгилаш учун қўлланади;

энергия самарадорлигининг «A+», «A++» (ортиб боришига кўра — A+, «A++» ва шу каби) ҳамда ундан юқори қўшимча классификация «А» классификация учун белгиланган энергия самарадорлиги даражасидан ошадиган энергия самарадорлигига мансуб бўлган маиший электр приборларини белгилаш учун қўлланади.

2. Техник ҳужжатларида, маркировкасида ва этикеткаларида электр самарадорлигининг тегишли классификация тўғрисидаги ахборотлар мавжуд бўлмаган ушбу қарорга иловада кўрсатилган маиший электр приборларини четдан олиб кириш 2016 йил 1 январдан бошлаб, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиш эса — 2016 йил 1 июлдан бошлаб тақиқлансин (илгари фойдаланишда бўлган маиший электр приборларини сотиш бундан мустасно).

Бунда ушбу қарорга иловада кўрсатилган, 2016 йил 1 январгача «вактинча сақлаш» ва «божхона омбори» божхона режимларида жойлаштирил-

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ган маиший электр приборлари, истисно тариқасида эркин муомалага чиқарилиши ва 2016 йил 1 июлгача сотилиши мумкин.

3. Энергия самарадорлигининг «G» классига мансуб бўлган маиший электр приборларини четдан олиб кириш ва сотиш — 2017 йил 1 январдан бошлаб, «F» классидигилар учун — 2018 йил 1 январдан бошлаб ва «E» классидигилар учун — 2019 йил 1 январдан бошлаб босқичма-босқич тақиқлансин.

4. Белгилансинки, ушбу қарорга иловада кўрсатилган, техник ҳужжатларида, маркировкасида ва этикеткаларида энергия самарадорлигининг тегишли классига тўғрисидаги ахборотлар мавжуд бўлмаган маиший электр приборларини сотиш ва сотиш мақсадида сақлаш ушбу қарорда назарда тутилган муддатлар ўтгандан кейин сотиш қоидаларини бузиш деб ҳисобланади ва қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарлик чоралари қўлланади.

5. «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда ушбу Низомга иловада кўрсатилган маиший электр приборларининг техник ҳужжатларида, маркировкасида ва этикеткаларида энергия самарадорлигининг тегишли классига тўғрисидаги ахборотлар мажбурий бўлиши ҳақидаги талабни назарда тутувчи стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларни 2015 йил 1 сентябргача бўлган муддатда ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин.

6. «Ўзстандарт» агентлиги маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг маиший электр приборларининг энергия самарадорлиги бўйича муайян классга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш бўйича синаш (ўлчаш) лабораторияларининг (марказларининг) ҳамда электротехника маҳсулотларини сертификатлаш органларининг белгиланган тартибда аккредитация қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ушбу қарорнинг талабларига мувофиқ энергия самарадорлиги классига тўғрисидаги тегишли ахборотлар мавжуд бўлмаган маиший электр приборларининг четдан олиб кирилишига ва республика ҳудудида сотилишига йўл қўймаслик юзасидан назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини уларда янгидан қуриладиган бинолар ва иншоотларга нисбатан қўйиладиган энергия самарадорлиги тўғрисидаги тегишли талабларнинг мавжудлиги юзасидан олти ой муддатда қайта кўриб чиқсин.

9. «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2015 йил 1 сентябргача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

10. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган идоравий норматив-

**14 (670)-сон**

— 7 —

**171-модда**

хуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Ғ.И. Ибрагимов ва У.У. Розуқолов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 9 апрель,  
86-сон